
"Маҳаллада дув-дув гап" тарғибот тадбирлари тумандаги "Чекчувалдоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди

Юртимизда рўй берадиган ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини аҳолига яқиндан етказиш мақсадида "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" шиори остида ўтказилаётган "Маҳаллада дув-дув гап" тарғибот тадбирлари тумандаги "Чекчувалдоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тадбирда маҳалла аҳолиси вакиллари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, мамлакатимизда халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, турли соҳалардаги ўсиш ва юксалишлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари тўғрисида сўз юритиб, буларнинг барчаси давлатимизнинг қудратини янада ошириш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, келажагимиз ворисларини комил инсонлар қилиб вояга етказишга қаратилганини таъкидладилар.

Иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида мактаб ўқувчилари ҳамда Маданият бўлими санъаткорлари томонидан адабий-музиқий дастур намойиш этилди.

2024-01-09 14:26:12